

ОЛТИН ДАВРИМИЗНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИНИ ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

Институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари Наврўз — умумхалқ байрамини шундай шиор билан кутиб олмоқдалар

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN FARZDIR

Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

15.03.2017 № 4 (252) ISSN-2010-9393 ziyo-chashmasi@umail.uz 1993-yil 21-martdan chiqa boshlagan

АЁЛ БОРКИ — ОЛАМ МУНАВВАР!

Хотин-қизлар байрами ба-хорнинг илк кунларида нишонланиши ўзига хос рамзийликка эга. Баҳор ҳам, аёл ҳам гўзаллик, нафосат ифода-сидир.

Институтимиз маданият са-ройида 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб, "Азиз ва муқаддасан, аёл!" концертлаштирилган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Институтимиз ректори, профессор А.Холбеков хотин-қизларимизни қутлуг айём билан қизгин муборакбод эт-ди.

— Аёл шундай нафис хил-қатки, унинг таърифига сўз

ожизлик қилади. Аёл бу, энг аввало, оналаримиз, опа-син-гилларимиз, вафодор ёри-миз, ҳамкасбларимиз, уму-ман олганда, жамиятнинг не-гизи ҳисобланади — деди у ўз нутқида.

Жамоада алоҳида ўрناق кўрсатаётган профессор-ўқи-тувчилар ва ходималарга ин-ститутнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Чет тиллар факультети ўқи-тувчиси Дилором Хожимето-ва Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиё-евнинг турли жабҳаларда меҳнат қилаётган илғор аёл-лар билан учрашуви тассурут-ларини сўзлаб берди.

Бадий қисмда аёлни улуг-ловчи шеърлар, мусиқий чи-қишлар ижро қилинди, улуг аёл зотининг меҳр-у вафоси-га эҳтиром изҳор этилди.

Байрам кайфияти давом этмоқда.

Машхура ИСОМИДДИНОВА,
«Зиё чашмаси»нинг жамоатчи мухбири.



СУРАТДА: институтимизнинг ўқитувчилари (чапдан) — М. Носирова, Д. Хожиметова, М. Шеранова, З. Пардаева.

ХАБАРЛАР/ЯНГИЛИКЛАР/ХАБАРЛАР/ЯНГИЛИКЛАР

Ғалаба!

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ БАЙРАМ ТУҲҒАСИ



Жисмоний маданият факультетининг 1-босқич талаба-лари эркин кураш ва дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпио-натида муваффақиятли қатнашиб, бир шода медаллар билан қайтишди.

Суратда (чапдан): Севинч Исоқова (бронза), Адибахон Ўрозбоева (кумуш) Феруза Суюнова ва Паризода Дони-ёрова (бронза).

20-24 январь кунлари спортнинг бокс тури бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этган тўрт нафар спортчи қизларимиз муносиб марраларни забт этдилар. 81 килограмм-дан зиёд вазнда Гўзал Исмамова, 54 килограмм вазнда Азиза Якубова — олтин, 81 килограмм вазнда Эъзозахон Мелибоева кумуш, 64 килограмм вазнда Эмение Шымикова бронза ме-далларини қўлга киритдилар.

Боксчи талабаларимизни яна бир халқаро турнир кутиб ту-рибди. Улар куни кеча ушбу мусобақаларда иштирок этиш учун Бухоро шаҳрига жўнаб кетишди. Институтимиз жамоаси но-мидан уларга омад тилаб қоламиз.

Зебунисо ЖАВЛОНОВА,
«Зиё чашмаси» мухбири.

Бадий кеча

Бахтим шул, ўзбекнинг Зулфиясиман!

Ўзбек халқининг ардоқли шоираси, таниқли жамоат ар-боби Зулфия Исроилова ижо-дий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти-нинг ўрни бениҳоя.

Мамлакатимизда Зулфия хо-тирасини абадийлаштириш бу-гунги кунга қадар давом этмоқ-да. Ҳар йили шоира таваллуд куни кенг миқёсда нишонланиб келинаётир.

Институтимиз мажлислар за-лида Зулфия таваллудининг 102 йиллиги муносабати билан "Бахтим шул, ўзбекнинг Зулфи-ясиман" деб номланган адабий-бадий кеча ўтказилди.

Тадбирни маънавий-маъри-фий ишлар проректори Ф.Аҳме-дов кириш сўзи билан очиб бер-ди. Ўзбек тили ва адабиёти фа-культети учинчи босқич талаба-

си Дилрабо Холбекова "Зул-фия ҳаёти ва ижодий мероси" мавзусида маъруза қил-ди.

Тадбирда иштирок этган шаҳар хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Фотима Мамасиддиқова ҳамда Зул-фия номидаги давлат муко-фоти соҳибаси Ирода Матму-родова миллий маънавияти-миз такомилда шоиранинг алоҳида ўрни борлигини таъ-кидладилар.

Зулфия ижодига бағишлан-ган слайдлар, видеороликлар намойиш этилди, ижро этил-ган мушоира, куй ва қўшиқ-лар тадбир иштирокчилари-га баҳорий кайфият улашди.

Бекзод МИРЗАЕВ,
«Зиё чашмаси» мухбири.

Табрик

ЯНА БИР ФАН ДОКТОРИ

Абдуназар Тошбоевич Нурмонов кўп йиллар Жиз-зах Давлат педагогика институтида педагогик фа-олият кўрсатиб келди.

У институтимиз қошида тил марказини очди, ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллар факультетларида декан вази-фаларида ишлади. Филология ва педагогика наза-рийаси ва тарихи йўналишида қатор илмий мақолалар, монография ва қўлланмалари чоп этилди.

Яқинда олим Тошкент Давлат педагогика универси-тетининг муассислигида "Талабаларни самарали мулоқот тех-нологияси ва техникасига тайёрлашнинг педагогик им-кониятлари (аудиториядан ташқари машғулотлар мисо-лида)" мавзусида докторлик диссертациясини муваффа-қиятли ҳимоя қилди.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари, талаба ёш-лари ва олимнинг кўп сонли шогирдлари номидан ҳам-шаҳримизни юксак унвон билан чин юракдан табрик-лаймиз ва ва унинг келгусидаги педагогик фаолиятига омад тилаб қоламиз.

А. ШАРИПОВ.

Танлов

ОРАСТА ҚИЗЛАР, ҚЎЛИ ГУЛСИЗЛАР!

Баҳорий байрамлар арафасида таби-ий фанлар факультети ва институт хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигидаги "Ора-ста қизлар" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танлов шартларига кийиниш маданияти, пазандалик, жумладан турли салатлар тайёр-лаш, орасталик, ракс, қўшиқ, шеърхонлик каби бир қатор мезонлар асос қилиб олин-ди.

Шартлар орасида талабаларнинг мусиқий чиқишлари, ашула ва рақслари тадбирга ало-ҳида зеб берди. Танлов ғолибларига фахрий ёрликлар ва совғалар топширилди.

Н. ҲАСАНОВА,
«Зиё чашмаси»нинг жамоатчи мухбири.

• ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЭЛИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ

Тарихимиз, энг аввало, юртимизда яшаб ўтган буюк сиймолар, халқ орасидан етишиб чиққан улуг аждодларимизнинг ҳаёт йўлида, уларнинг Ватан олдидаги беназир хизматларида яққол намоён бўлади. Дунёдаги ҳар қандай миллининг ўзигагина хос миллий киффасини номойиш этади-ган, белгилаб турадиган хусусиятлари бор: давлати, тили, дини, урф-одатлари, қадриятлари, маданияти, санъати, руҳияти, машҳур шахслари...

Тарихий даврнинг ўзи буюк шахсларни майдонга чиқаради. Улар катта билим, салоҳият, ғайрат, қатъият, масъулият, тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш каби бир қатор фазилатларга эга бўлади. Эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди. Халқимизнинг шундай оташқалб фарзандларидан бири Шароф Рашидов эди.

Ш. Рашидов истеъдодли ташкилотчи ва раҳбар сифатида Ўзбекистон иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришди. Унинг раҳбарлигида оламшумул ишлар амалга оширилди.

Энг оғир шароитларда ҳам бурчини унутмади, халқ дарди билан яшади. Марказдан келган буйруқларни мумкин қадар юмшатишга, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги учун барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди.

1960-1980 йилларда бунёд этилган кўплаб саноат корхоналари, йирик иншоотлар Шароф Рашидов номи билан боғлиқ. Шу йилларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўллари чаманга айлантирилди. 1977 йилда ишга туширилган Ўрта Осиёдаги илк метро Тошкентда бунёд этилди. У раҳбарлик қилган даврда Навоий, Зарафшон, Учқудук, Янгиер, Гулистон каби катта шаҳарлар барпо қилинди.

Ш. Рашидов истеъдодли адиб сифатида "Бўрондан кучли", "Кудратли тўлқин", "Ғолиблар" романлари билан миллий адабиётимиз ривожига салмоқли улуш қўшди.

Афсуски, шўро ҳукуматининг шовинистик сиёсати атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовни ҳам четлаб ўтмади. Вафотидан сўнг хотирасига турли тухмат ва бўҳтонлар ёғдирилди.

Мустақиллик йилларида Республика-



мизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов сазъ-ҳаракатлари билан Шароф Рашидовнинг кутлуғ номи тикланди.

Шароф Рашидов бутун умр эл дарди билан яшаган улуг сиймо сифатида Ватанимиз тарихидан муносиб ўрин олди.

Жавлон БОЗОРОВ,
тарих факультети талабаси.

FARZAND NOGIRON TUG'ILSA...

Inson — mo'jiza. U tabiatdagi yagona ongli mavjudot bo'lib, o'ylaydi, fikrlaydi, so'zlaydi. Bo'lajak kasbim defektolog bo'lgani bois nogiron tug'ilgan bolalar meni ko'p o'ylantiradi. Nega shunday bo'ldi? Ularning ham sog'lom yashashga haqqi bor edi-ku...

Homiladorlik vaqtida noto'g'ri ovqatlanish, spirtli ichimliklar iste'mol qilish, noqulay oyoq kiyim va tor liboslarni kiyish, yaqin qarindoshlar o'rtasidagi nikoh — nogiron farzandlar tug'ilishining asosiy sababchisi. Buni hammamiz yaxshi bilamiz. Ammo...

Biz — defektologlarning burchi nuqsonli bolalarni jamiyatda o'z o'rnini topishiga ko'maklashishdan iborat. Buning uchun imkon boricha harakat qilamiz. Shunday bo'lsa-da, kasallikni davolagandan oldini olgan ma'qul.

Farzand — ota-onaning mevasi. Bu ne'matni avaylab-asrash, ma'suliyatli bo'lish zarur.

Fotima IBROHIMOVA,
defektologiya
yo'nalishi talabasi.

СЕМИНАР

ТАЪЛИМ СИФАТИ — БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2016 йил 21 ноябрдаги 103-сонли баёни ижроси юзасидан институтимизда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Режада ўқув-ўқувчи, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2017-2020 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгиланган. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини доимий ошириб бориш, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, таълим ва тарбияни ўйғунлаштириш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, моддий-техник базани кучайтириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Режанинг "Тадқиқотлар жараёнига, ўқув ва мустақил таълим жараёнига етук олим ва мутахассисларни таклиф этиш ҳамда муаммоли ва мунозарали очик маърузалар, махсус семинарлар, дебатлар ташкил этиш" банди ижроси юзасидан бошланғич таълим методикаси кафедрасида 2017 йил 2-3 февраль кунлари "Филологиянинг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари" мавзусида илмий семинар ташкил этилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт институти профессорлари Н.Махмудов, М.Жўраев, Ш.Турдимов ҳамда Самарқанд Давлат университети профессори С.Каримов таклиф этилди. Семинар дастурига кўра олимлар фанда бугунги кундаги долзарб масалалар, муаммоли ҳолатлар ва янгиликлар бўйича маърузалар қилишди. Иштирок этган кафедра ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабаларнинг саволларига мутахассис-олимлар жавоб беришди.

Б.БОЛТАЕВА,
Н.ХАДЖИМУСАЕВА,
бошланғич таълим методикаси
кафедраси ўқитувчилари.

ЕЛКАСИДА ЗАМИН ЮКИ БОР — ОНАМ!

Уфқ қизариб тонг отмоқда. Хўрознинг қичқиригидан ширин орзулар ила уйғонман. Димогимга онам ёпган ноннинг ҳиди урилади.

Оила жам бўлиб, нонушта қиламиз. Сўнг ҳар ким ўз ишига отланади. Мен эса ҳар доимгидек онам билан ҳамроҳман.

Мана далага ҳам етиб келдик. Онамнинг кўзидаги қувончни кўриб завқланаман. Ўзи етиштирган пахта-ю ғалаларга қараб ўлашмайди. 500 гектар ерга улашган меҳри инфодаси бу... Ахир, буларнинг барчаси онамнинг меҳнати ила вужудга келган-да! Пахта даласида айланар эканмиз, онам худди улар билан суҳбатлашаётгандек бўлади.

Кенг далада олтиндай тов-ланиб турган майсалар онамга салом беради. Заҳматли меҳнат эвазига кўтарилган ғалла хирмони оиламизни кут-

га тўлдирди.

Аста чорвачилик томон йўл олдик. Янги соғилган сигир сутидан ичиб кўрганмисиз? Бунинг ўзгача сурури бор.

Кечагина туғилган кўзичоқлар билан андармон бўлиб қолибман. Бир пайт онамни ким биландир гаплашаётганига кўзим тушди. Билсам, онам ногиронлар жамияти билан ҳамкорлик қилаётган экан. Онамга бўлган меҳрим янада ортди. Шундай аёлнинг қизи эканимдан фахрландим.

Онамнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. 2003 йил "Дўстлик", 2011 йил "Эл-юрт хурмати" орденлари билан тақдирланди. Онам сиймосида елкасида замин юкини кўтарган асл ўзбек аёлини тасаввур қиламан.

Рушана ЯДГАРОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

Аёлни эъзозлаш халқимизда қадрият даражасига кўтарилган. Унга эҳтиром кўрсатиш олийжаноблик саналади. Аёлни қанча улуғласак ҳам оз. У — онамиз, опамиз, синглимиз.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов "Юксак маънавият энгилмас куч" асариде "Аёлларни улуғлаш оилани, Ватанини, ҳаётни улуғладир. Оила, инсон, аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, бутун жамиятдаги мувозанатни, адолат муҳитини сақлаб турадилар", деб ёзади.

Буюк тарихимизга назар ташласак, ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибиҳоним, Гулбаданбе-

Аёллар жамиятнинг ажралмас бўлаги. Келажак авлодни маънан баркамол қилиб тарбиялашда уларнинг роли бекиёс.

ЭҲТИРОМ

гим, Зебинисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин, Зулфия каби минглаб аёлларимиз номи бўй кўрсатади.

Қадим аждодларимиз битиб кетган "Авесто"да аёл — она илоҳий мақомларга кўтарилади. Башарият ибтидоси ҳам оналар номи билан чамбарчас боғлиқ эканлиги уқтирилади.

Кўнглимиз талпинадиган энг азиз маскан бу — оиламиз, хонадонимиз. Чунки у ерда онамиз яшайди.

Аёл келажакни тарбиялайди. Бешиқда ётган чақалоқ

она алласини тинглаб улғаяди. Онанинг мўътабарлиги ҳам шунда.

Халқ тақдири, миллат келажуғи, истиқболни учун ғоят муҳим бўлган бундай улуг ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади. Дунёда ҳеч қандай чегарани тан олмайдиган, куёш каби мангунур сочувчи меҳр — она қалбдагина бор.

Шаҳзод ШАКАРОВ,
тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультети талабаси.

ТАЛАБАНИНГ ОМАД КАЛИТИ

Дунёда олийгоҳлар кўп. Улар қатор жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Яқинда АҚШнинг Гарвард университети ҳақида ўқиб қолдим. Таълим маскани дунёнинг кўплаб машҳур инсонларини етказиб бергани барчага маълум. Шу билан биргалиқда, бу университетнинг ўзига ҳос аъёнлари, талабалар амал қиладиган ажойиб шиорлари бор экан. Улардан айримларини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. **Зеро, талабаларимиз бу қайдларни ўқиб, ўзлари учун керакли хулосалар чиқаришади, деган умиддамиз.**

Жавоҳир РАЖАБОВ,
педагогика факультети
талабаси.

● Агар ҳозир ухласанг, орзуларинг тушингга кириши мумкин. Лекин уйқунинг ўрнига ўқишни танласанг, шу тушинг рўёбга чиқади.

● Энди жуда кеч, деб ўйлаётганингда, ҳаёт энди бошланган бўлади.

● Ўқишдаги қийинчиликлар вақтинчалик. Билимсизлик машаққатлари эса абадий.

● Таълим — вақт эмас, меҳнат.

● Ҳаёт фақатгина ўқишдан иборат эмас. Лекин ҳаётнинг мана шу қисмини ҳам босиб ўтолмасанг, ўзи нимага қодирсан?

● Файрат ва меҳнат ҳам ҳузур-ҳаловат бўлиши мумкин.

● Кимда-ким барча ишини барвақт бажарса ва бунинг учун бор кучини сарфласа, омадидан тўлақонли роҳатлана олади.

● Ҳамма соҳада ютуққа эришиш барчага ҳам насиб этавермайди. Аммо омад ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда қатъийлик натижаси.

● Вақт учмоқда.

● Бугунги дангасалик эртанги кўзёшларга айланмасин.

● Бугунги кун эртага ҳеч қачон такрорланмайди.

● Балки душманларинг ҳозир тинимсиз китоб ўқишаётгандир?

БИЗГА МЕРОС БУЮК МУҲАББАТ

Дунёдаги ҳамма нарса жуфти билан яратилган: ер-осмон, кўёш-ой, кеча-кундуз, шодлик-ғам, эркак-аёл...

Аёлга нисбатан меҳр — Яратувчининг буюк ҳиммати, Одам Атодан жамийки инсонларга ўтган бобомерос туйғу.

Муҳаббат — инсоний моҳиятнинг эркин тарзда намоён бўлишидир. Файласуфлар ибораси билан айтганда, муҳаббат — тасаввурнинг тафаккур устидан тантанаси. У зўровонлик ёки зўрма-зўрақилик билан чиқиша олмайди. Меъёр, аъёна, қонунларга бўйсунмайди. Юксак ахлоқийлик ифодаси тарзида инсонга улкан масъулият юклайди, уни жасоратга чорлайди. У — инсонни ташки ва руҳий оламлар билан боғлайдиган, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк куч.

Чин муҳаббат оилани баркарор қилади. Инсон майлининг уч манбаи мавжуд бўлиб, булар руҳ, тана, тафаккурдан иборат. Руҳ майли дўстлик риштасини, тафаккур хурмат-эҳтиромни, инсон тани эса истак-туйғуларни бунёд этади. Ушбу уч майл жамланганда, қалбдаги соф муҳаббат қасрининг пойдевори қад ростлайди.

Аёлга муҳаббат изҳор қилмоқ, уларга рағбат ила пешвоз чиқмоқ — бизга Одам Атодан қолган суннат.

Аёлга меҳр беринг!

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЎТМОҒИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари олий таълим тизими ходимлари учун ҳам янги вазифаларни белгилаб берди.

Малакавий амалиёт талабаларни ўқитувчилик касбига тайёрлашнинг асосий омил сифатида ёшларнинг олий таълим даргоҳида олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ҳамда мактабгача таълим муассасалари ва махсус мактаб ўқувчилари билан ўқув-тарбиявий ишларни биргаликда бажариш имкониятларини яратди.

Институтимизда ўқув режага асосан куйидаги малакавий амалиёт турлари жорий этилган:

1. Узлуксиз (ўқув-танишув) педагогик амалиёт — 12 та йўналишда (1,2,3-курслар).

2. Ўқув амалиёти — 9 та йўналишда, 1,2,3-курсларда.

3. Педагогик амалиёт — 19 та йўналишда, 4-курсда.

Узлуксиз (ўқув-танишув) педагогик амалиётнинг умумий вазифаси ўқитувчининг асосий педагогик функцияси билан танишиш ва уни бажариш учун зарур бўлган малака ва кўникмаларини эгаллаш билан боғлиқдир.

Узлуксиз педагогик амалиёт давомида ҳар бир талаба ўзининг танлаган касбига — педагогик фаолиятига яроқлиги, қизиқиши, шу соҳадаги тайёргарлиги даражасини аниқлайди. Амалиётга раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасаси вакили ҳар бир талабани узлуксиз ўрганиш, ташкил этаётган ишларини кузатиш, ўқувчилар билан алоқаси, турли вазиятларга нисбатан реакцияси, фаоллиги ва бошқа жиҳатларига қараб унинг қарор қабул қилиши, ташкилотчилиги, ихтисослик бўйича тайёргарлиги ва масъулияти, умумий тайёргарлик даражаси ва касбига

яроқлигини аниқлаб боради. Буларни амалиёт охирида ўтадиган анжуманда эълон қилиб, тегишли тавсиялар беради.

Шу кунларда институтимизнинг 1,2,3-курс талабалари бакалавр ўқув режасига асосан, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани умумтаълим мактабларида, махсус мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган узлуксиз (ўқув-танишув) педагогик амалиётда назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Узлуксиз (ўқув-танишув) педагогик амалиёт 2017 йил 6 мартдан бошланди. Амалиёт якунида барча ҳужжатлар тегишли кафедраларга йиғилиб, услубчи ўқитувчи томонидан рейтинг тизимига асосан баҳоланади ва кафедраларда сақланади, кафедра мудири улар асосида умумий ҳисобот топширади.

Ўқув амалиётлари 2017 йил 1 майдан бошланиб, Жиззах вилоят ҳудудларида дастур асосида ўтказилади. Амалиёт якунида талабаларнинг барча амалиёт ҳужжатлари кафедраларга йиғилиб, ўқув амалиёт раҳбари томонидан рейтинг тизимига асосан баҳоланади. Барча ҳужжатлар кафедрада сақланади, кафедра мудири умумий ҳисобот топширади.

Яқинда институтимизнинг кимё ўқитиш методикаси ва дефектология йўналиши 4-курс талабалари бакалавр ўқув режасига асосан йиллар давомида олган назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказиб кайтдилар. Педагогик амалиётда жами 146 нафар талаба катнашдилар. Жумладан: 60 нафари Жиззах шаҳри мактабларида, 18 нафари академик лицейларда, 6 нафари касб-хунар кол-

лежларида, 62 нафари Жиззах шаҳри мактабгача таълим муассасалари ва махсус мактабларда педагогик амалиёт ўтадилар.

Ўқув йилининг бошида барча таълим йўналишлари учун ўқув режага мувофиқ, малакавий амалиётлар аниқланган эди, унга мос тарзда ишчи ўқув режалар тўзилиб, дастур ва ишчи дастурлар тасдиқланди. Педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш учун услубчи ўқитувчиларга юктамалар кафедра мудирилар томонидан уларнинг педагогик тажрибаси, олимий даражаси ва унвонини инобатга олинган ҳолда тақсимланди. Юктамаларда белгиланган соатларнинг тўлиқи ва сифатли бажарилиши кафедра мудири ва ўқув-услубий бўлим ходимлари томонидан назорат қилиб борилди.

Педагогик амалиётлар бошланишидан олдин факультетларда деканат ва масъул услубий кафедралар томонидан ташкил этилган дастлабки тушунтириш, яъни йўриқнома берувчи анжуманлар ўтказилди. Бу анжуманларга институт раҳбарлари, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, педагогик амалиётлар бўйича ўқув-услубий бўлим ходимлари, шунингдек, факультетлар деканлари, масъул кафедраларнинг услубчи ўқитувчилари, умумий педагогика ва психология кафедраси ўқитувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари катнашдилар. Сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга педагогик амалиётнинг мазмуни, мақсади, вазифалари, педагогик амалиётнинг ўтказилиш тартиби ва унга доир ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Талабалар педагогик амалиёт ўтказиладиган амалиёт объектларига тақсимландилар.

Талабаларнинг педагогик амалиётини

ги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими" тўғрисидаги Низом асосида тартибга солинди. Бунда талабаларнинг педагогик амалиёт давомида амалга оширган ишлари ва амалиётга доир ҳужжатлари масъул кафедраларнинг услубчи профессор-ўқитувчилари томонидан таҳлил қилиниб, қўйилган баҳолар асосида умумлаштирилди.

Ҳозирда институтнинг 4-курс талабалари бакалавр ўқув режасига асосан йиллар давомида олган назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда.

2016-2017 ўқув йили режасида педагогик амалиётда жами 1554 нафар 4-курс талабалари катнашдилар. Улардан 1094 нафари Жиззах шаҳри, 172 нафари Шароф Рашидов тумани мактабларида, 47-нафари Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани мактабларида амалиётда бўладилар. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1761-сонли қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 139 нафари академик лицейларида, 59 нафари касб хунар коллежларида, 43 нафари Жиззах вилоятининг бошқа туманлари мактабларида педагогик амалиёт ўтказишлари режалаштирилмоқда.

Э. ШАМУРАТОВ,
педагогик амалиётлар бўйича ўқув-услубий бўлими инспектори, кимё фанлари номзоди, доцент.

● ТАЛАБА, АНГЛА! СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — БЕБАҲО БОЙЛИК!

Институтимиз ректорининг олийгоҳимизда 2017 йилни "Соғлом турмуш тарзи" йили деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббуси профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, онгига ватанпарварлик ҳамда она юртга меҳр-муҳаббат туйғусини сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён жамиятимизда келажагимиз бунёдкори бўлган ёшларга катта эътибор берилаётди. Айниқса, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия соҳасидаги ижобий ўзгаришларни ҳар қадамда сезиш мумкин.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонда ўз ўрнига эга бўлди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли асарига "Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимишга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди", — деб ёзади. Шундай экан, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, соғлом, жисмоний бақувват қилиб тарбиялаб, вояга етказиш зарур. Зеро, соғлом турмуш тарзи шаклланишида кишиларнинг маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлишлари ўзига хос аҳамият касб этади.

Улуғ мутафаккир Абу Али ибн Сино ўзининг "Инсон саломатлигини сақлаш — илмдир" концепциясида куйидаги етти омилнинг инсон саломатлигини мунинг инсон саломатлигини муноҳафазалашда етакчи ўрин тутганини асослаб беради. Олимпнинг асарларида, бадантарбия

инсон организмнинг чиниқишида муҳим аҳамият касб этиши, тўғри овқатланишга эришиш, соғлом зурриёт қолдириш, атроф-муҳитни тоза сақлашнинг аҳамияти, касаллик тарқатувчи ҳашаротларга қарши курашиш, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши олдини олиш, турли касалликларни даволаш воситалари борасида етарли маълумотлар берилди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий субъекти шахс ва унинг камолотидир. Соғлом турмуш тарзининг асосларидан бири таълим-тарбия бериш билан бирга шахсий гигиена ва унинг шартлари, ўғил ва қиз болаларда жисмоний машғулотларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор бериш зарурлигидир.

Шундай экан, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун энг аввало, инсон танасининг тузилиши, тўқима ва аъзоларнинг нормал иш фаолиятини, ўсиш, ривожланиш ва кўпайиш қонуниятларини таъминлаш зарур.

Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда даставвал:

- инсон саломатлиги ва жисмоний камолотига оид тушунчаларни билиш;
- чиниқишнинг моҳиятини аниқлаш;
- гимнастика машқларини бажара олиш;
- дарслар жараёнида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи мультимедиа иловаларидан узлуксиз фойдаланишни йўлга қўйиш;

- шахсий гигиена меъёрларини билиш ва уларга амал қилиш каби кўникма ва малакаларни шакллантириш зарур.

Тиббиёт фанидаги тадқиқотлардан маълумки, агар одамнинг соғлиғи 100 фоиз деб қабул қиланадиган бўлса, унинг 50 фоизи ҳар қайси одамнинг турмуш тарзига, 20 фоизи насл хусусиятларига ва ниҳоят 10 фоизи тиббий ёрдамга боғлиқ. Демак, фарзанларимизнинг соғлом турмуш тарзи тушунчаси киши хулқ-атворининг ҳамма томонларини ўз ичига олади.

Хулоса сифатида, талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида куйидаги вазифаларни белгилади:

- талабаларда кун тартибига амал қилиш кўникмасини таркиб топтириш;
- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга рағбат уйғотиш;
- шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўникириш;
- экологик маданиятни шакллантириш;
- зарарли одат, таъсирлардан ҳимоя қилишга одатлантириш.

Ушбу вазифалар ечимини топса, талабаларда кучли ирода, мустаҳкам характер, покизалик каби фазилатлар таркиб топади.
Акбар СОДИҚОВ,
жисмоний маданият назарияси ва спорт турларини ўқитиш услубияти кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент.

● "Зиё чашмаси"нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси ●

СЎРАНГ,

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

1. **Васиятнома учун нотариал идорага қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?**

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»-ги қонуни 45-моддасига биноан васиятномалар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этган ҳужжатлари асосида, уларнинг шахсан иштирокида тасдиқланади.

Васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

2. **Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини бериш қандай тартибда амалга оширилади?**

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»-ги қонуни 42-моддасига асосан нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари нотариал идоранинг йиғма жилдларида сақланаётган ҳужжатлар йўқолган тақдирда номидан ёхуд топшириғига биноан нотариал ҳаракатлар бажарилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ёки қонуний вакилларнинг ёзма аризасига кўра дубликатлар берилди.

Дубликатларни бериш ушбу қонуннинг 6-, 40-моддалари талабларига риоя этган ҳолда бажарилади.

3. **Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш қандай ҳолларда амалга оширилади?**

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»-ги қонуни 67-моддасига асосан нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

Саволларга Жиззах шаҳар 4-сон Давлат нотариал идораси нотариуси Шухрат ШЕРНАЗАРОВ жавоб берди.

ТАБРИК

Азиз онахонлар, азиз устозлар,
Баҳорий илиқлик тилайман сизга,
Ахир сиз эмасми, айтиб аллалар,
Еруғ бу жаҳонни бахш этган бизга,
Мангу омон бўлинг асло кўрманг дард,
Қутлуғ бўлсин сизга 8-март!

Қалби нурга тўлган онахонларим,
Бахтингиз ҳамиша ёришиб турсин.
Сиз борсиз яшнайдиган хонадонларим,
Гўзаллик излаган сизларни кўрсин.
Хаётда муқаррам бўлишингиз шарт,
Қутлуғ бўлсин сизга 8-март!

Тоштурди БОТИРОВ,
тарих факультети
талабаси.

АЁЛ

Бахтни тебратар бешиқда ҳар дам,
Аллалар айтади, — бу сўзлари бол.
У билан ҳаёт бор, маъноли дунё,
Оила малаги фаришта аёл.

Меҳнатни қор айламас жон тафти-ила,
Меҳнатқаш, пазанда ва уй бекаси,
Оилам, болам дер кўрса ҳам завол,
Рўзгорда барака саришта аёл.

Дилноза СОДИҚОВА,
мактабгача ва бошланғич таълим
факультети талабаси.

ВАТАНИМ

Ватанни мард, оқил ўғлонлар асрар.
Ёв қўлига қалқондир кўкси,
Асрайди муштилар она дуоси,
Ўзбек ойимлари, момо ҳавоси.

Хаётдан завқланиб яшар ҳар киши,
Дилда сурур, тилда шукрона билан,
Баҳорни шивирлаб, чорлайди киши,
Наврўзин беазаги ёр-ёр-у ўлан.

Шижоатли йигит-ўғлонлар мағрур,
Ҳайратга солмоқда жумла-жаҳонни,
Кўксига аждоқлар мёроси-ғурур.
Жон каби авайлар Ўзбекистонни!

Бекзод НОМОЗОВ,
тарих факультети
талабаси.

СОҒИНЧ

Йўлингиз интизор кутган мен эдим,
Пойингиз даста гул тутган мен эдим,
Бир бора кулбамга бош қўйиб аста,
Келмадинг, нигоран бўлган мен эдим.

Гулноза ФОЗИЛОВА,
мактабгача ва бошланғич таълим
факультети талабаси.

ШАББОДА

Баҳор келди ширин тилаклар билан,
Кучоқ-кучоқ гуллар, чечаклар билан,
Сийлайди ниҳолни зираклар билан,
Баҳор келди гўзал эртақлар билан.

Еллар олиб келди гуллар атрини,
Шўх булбуллар куйлар қўшиқ сатрини,
Бобо деҳқон билар, ҳар вақт қадрини,
Баҳор келди гўзал эртақлар билан.

Қир-адирда яшил майса гилами,
Бир томонда онахонлар байрами,
Қизлар ўйнар, кенгроқ олинг даврани,
Баҳор келди гўзал эртақлар билан.

Шаҳноза КАРИМОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

ОТА-ОНАНГНИ ЭСЛА

Иш билан дунё кезсанг,
Қийналсанг, юрак эзсанг,
Ҳеч бўлмаса хат ёзиб,
Отангни бир эслаб қуй.

Онахонинг суюгинг,
Аслида у буюгинг,
Гар бўлса оғир юкинг,
Онангни бир эслаб қуй.

Бу дунёда қимматинг,
Мол-у мулк-у давлатинг,
Улардир бил жаннатинг!
Қадрига ет, эслаб қуй.

Муҳаммад ЖУРАБОВЕВ,
тарих факультети
талабаси.

ЭЛ ИШОНЧИН ОҚЛАЙМИЗ

Биз болалар ҳар доим,
Билим олиш хоҳлаймиз,
Уқиб бўламиз олим,
Эл ишончин оқлаймиз.

Келажакда биз албат,
Ватанни ардоқлаймиз,
Бақувват аскар бўлиб,
Эл ишончин оқлаймиз.

Сардор САРВАРОВ,
Жиззах шаҳридаги 10-
сонли умумтаълим мактаби
ўқувчиси.

АЁЛ БОРКИ — ОЛАМ МУНАВВАР!



Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

БАҲОР КЕЛДИ ЎЛКАМГА!

Дилга севинч улашиб, шод этиб кўнгилларни,
Яшнатиб табиатни баҳор келди ўлкамга.
Камалақдек сержило, малақдек тоғ кўйнида,
Келинчақдек гўё ёш, баҳор келди ўлкамга.
Бир қаранг дала даштга, ранг-баранг хон атласдек,
Қир-адирлар майсазор баҳор келди ўлкамга.
Жўшиб куйлар булбуллар, турфа гуллар очилар,
Шамоллар эсар майин, баҳор келди ўлкамга.

Камола ИМОМОВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

НИЛУФАР

Шаббодалар эсса юзингга,
Томчилардан маржон қадалар,
Сен вафонинг сўнмас гулисан,
Нилуфар деб номинг аталар.

Сув юзидан ўсган нилуфар,
Гуллар аро ўзинг бокирам,
Богим бўйлаб таратиб ифор,
Гўзаллардан гўзалсан бирам.

Ёнгинангда сўзласам бир оз,
Ошиқ дилим энгил тортади.
Умидларим қилади парвоз,
Гулим сенга меҳрим ортади.

Сўзларимни эшитиб ҳар кун,
Ишқ ўтида қалбим ёқарсан,
Муҳаббатни жойлаб дилимга,
Томошабин бўлиб боқарсан.

Дилноза НЕМАТОВА,
Педагогика факультети
талабаси.

РУЗ СМЕЛТЕРС БЕДОРЛИК

Кўк бағрида чарақлайди
кумуш юлдуз,
Тун шамоли сирли
шивирлайди аста.
Мен беором, хўрсинаман
тунлар ёлғиз,
Эҳ, билсайдинг ҳижронингдан
дилим ҳаста.

Кўкни юлдуз тарк этган дам
қалбим балки,
Бу аламни изтиробдан фориг
бўлар,
Хотиралар солмасайди
сени ёдга,
Соғинмаган бўлармидим,
оҳ, бунчалар...

**Инглиз тилидан
Зулфизар ИСМОИЛОВА**
эркин таржимаси.

YO'QOLGAN HAMYON

О'qishga shoshib ketayotgandim, oyog'im
bexosdan qattiq narsaga urulib ketdi. Qarasam,
yaltiroq narsa... Qo'limga oldim: ichi pulga to'la
hamyon! Shoshib yon-atrofga qaradim. Hech kim
e'tibor bermasdi. Odat bo'yicha besh-olti kishidan
hamyonning egasini so'rab topishga harakat qilib
ham ko'rdim. Natija bo'lmadi. Shoshayotganligim
uchun hamyonni o'zim bilan o'qishga olib ketishga
majbur bo'ldim. Uni atayin egasi chiqarmikan degan
maqsadda kun bo'yi qo'limda olib yurdim. Institutda
kechgacha yurishimga qaramay, hamyonning egasi
topilmadi, xatto fakultetimizdagi barcha tanish-
bilishlarni ishga solib, egasini topishga harakat qilib
ham ko'rdim, bo'lmadi.

Oradan uch kun vaqt o'tdi. Oxiri kursdoshlarim
bilan hamyonning egasini topish uchun hamma
joylarga e'lon yozib yopishtirishni o'yulab topdik,
shunday qildik ham. Unda quyidagicha so'zlar
yozilgandi:

**Usti sariq yaltiroq hamyon topib oldim,
ichida 1000 dollar puli bor, egasi haqida hech
qanday ma'lumot yo'q. Agar u sizniki bo'lsa,
+99894 195 03 96 raqamga qo'ng'iroq qiling.**

E'londan keyin juda ko'p qo'ng'iroqlar bo'ldi,
ammo baribir hamyonning haqiqiy egasi topilgani
yo'q. Hamyonga ega bo'lish maqsadidagina
qo'ng'iroq qilishardi. Uning ichidagi "kichkinagina"
belgisi haqida aniq aytmagandim-da!

Menimcha bu Xudoning menga yuborgan
mukofoti - shartnoma puli bo'lsa kerak. Lekin, u
baribir meniki emas, o'zimga ishlata olmayman.
Uning haqiqiy egasini topishim kerak. Axir men
O'ZBEKMAN!!! Halollik - ota-bobolaridan meros.
Agar egasini topa olmasam, uni mehribonlik uyiga
berib yubora qolaman. Nailoj...

E'lon haqida siz ham bildingiz. Balki, hamyon
siznikidir. Men hali-hamon egasini kutayapman...

Gulruh KARIMOVA,
chet tillar fakulteti talabasi.

ТУНГИ УЧРАШУВ

Тунги учрашувнинг оқибати на?
Ҳайхот, мушкул эмас буни пайқамок,
Севгининг изтироб, алами телба;
(А.С.Пушкин).

Ҳаво тиник,
Ой синик,
Осуда оқар.
Нурин сепаиб юракда қолдирмоқда из.
О, нечун кўрқувга мағлуғ бўларсан,
Киприклари ақлимга қафас солган қиз.

Ой шуъласи ёруғ шундоқ кечада,
Меҳринг бергин борлигим илитсин бугун,
Томирларда қайнасин ҳароратли қон,
Ширин висол тиласин осуда шу тун.

Гулим! Кўрқув нечун?
Ҳамроҳингман бил,
Менинг ишқим кўрқувга қовушмас асло!
Тунги висол кундузгидан шириндир билсанг,
Тунги учрашувимизга ой гувоҳ танҳо.

Рўҳимда жаранглари ширин овозинг,
Чин севгини яратсин ўтли бу қалблар,
Биз учун туғилди айни шу оқшом.
Жон бўсасин улашин титроқ бу лаблар.

Ҳаяжон ичида қақшатма фикринг,
Орзу, умидларинг жонлантир яшат,
Майин шамоллардан олгин нафасинг,
Гулим! Ёнингданман мангу ва абад.

Кимни севинтирар таҳдидлар тоши,
Худо хоҳиш берди—яралди бу кун,
Тўлқинланган руҳинг оташ қийноғи,
Ахлоққа зиёнли бўлолмас бу тун.

Самонинг қандили - ой кечмишида,
Ишқни айрилиққа тақдир сотмасин.
Дейсан қўлогимга пичирлаб аста:
— Сизни дерман ҳаётим, ҳеч ким билмасин!

Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ,
тарих факультети
талабаси.

ОНА

"Хаёт зинапоя" деганингиз рост,
Бугун бу зинадан, силжидим бироз,
Топганим бир дунё орзулар холос,
Сизни шу орзуда соғиндим она.

Ширин хотиралар кумсагай дилим,
Соғиндим айтсайди, гўзал ёшлигим,
Майда ўрасизми яна кокилим,
Хотиралар ичра соғиндим она.

Ёдиздами ўзингиз айтган эртақлар,
Бугун ўша мақсад мени етаклар,
Кимлар учун бўлди шеърим эрмақлар,
Ижодимда сизни соғиндим она!

Зарина ФАНИЕВА,
ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

АЁЛГА

Сиз ёдимда эзгу бир хаёл,
Соф меҳрингиз бўлмоқда паноҳ,
Юзингиздан уялар ҳилол,
Сизни шундай яратган Оллоҳ.

Меҳрингизга сиғмайди дунё,
Сизда қандай бўларди гуноҳ,
Ақли теран ғурури само,
Сизни шундай яратган Оллоҳ.

Достон ОДИЛОВ,
табиий фанлар
факультети талабаси.

■ **Ўзимиз ҳақимизда**

Сиз нима дейсиз?

Ёшларга ҳукуратимиз томонидан катта имкониятлар яратиб бериляпти. Ёш авлод Ватан шўхратини кўкларга кўтариш учун қанот бўлиб хизмат қилади. Улар шу даражада билим олмоғи керакки, жаҳон саҳнида ўзбек деган номни балан пардаларга кўтара олсин.

Шундай муаммолар борки, сифатли билим шароитига салбий таъсир кўрсатади. Маъруза заллари, ўқув парталари, доска ва шу каби жиҳозларнинг ҳолатини кўриб, яратиб берилаётган шароитларнинг қадрига ета олапмизмикан, деган савол кўнглимиздан ўтади. Айрим аудиторияларда эса шароитлар етарли таъминланмаган. 3-маърузалар залини олайлик. Стуллар синган. Маъруза машғулотларида тикилишиб ўтираемиз. Айрим талабаларга стуллар етмай қолади.

Бир кишилик ўринга уч киши тикилишиб ўтиргач, маърузани дафтарга қайд этишга имконият бўлмайди. Стул етмаганлар эса дарс охиригача тик туришга мажбур. Дарсга кирган талаба сўппайиб чиқиб кетаверса, таълимда сифат бўладими?

Сиз нима дейсиз?

Гуландом ҲАЗРАТҚУЛОВА,
чет тиллар факультети
талабаси.

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

А. Холбеков
Қ. Ядгаров
Ф. Аҳмедов
М. Султонов
Ф. Равшанов

Б. Очилова
Ф. Аҳмедшина
Д. Эрийгитов
Ю. Каримова
С. Каримов

МАНЗИЛ:

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шох кўчаси
144-уй. Жиззах давлат педагогика
институтини бош биноси, 2-қават.

Жиззах вилояти матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Ойда бир марта чоп этилади
Баҳоси эркин нарҳда

Газета «Жиззах-принт» бос-
маҳонасида офсет усулида чоп
этилди.
Адади 3 000. Буюртма №449.
Босм ўзана манзили:
Жиззах шаҳри, Сайилжойи
кўчаси, 4-уй.

Тахририятга келган хатлар
доимий диққат-этиборимизда
бўлгани сабабли муаллиф-
ларга қайтарилмайди.
Газетадан кўчириб босиш
фақат тахририят ёзма руҳса-
ти билан амалга оширилади.

Босишга топширилди: 14.03.2017 - 16:00
Навбатчи муҳаррир: Орифжон Одилов
Мусаххих: Абдуғаффор Абдураҳмонов

МУАССИС:
Абдулла Қодирӣ
номидаги
Жиззах давлат
педагогика
институтини